


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Ижодкор учун ҳеч қачон эскирмайдиган, оҳори кетмайдиган бир абадий мавзу бор. Бу – Ватанга муҳаббат ва садоқат тараннумидир. Оҳангарон шахрида мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи иштирокчилари ва меҳмонлари бу ҳаётини ҳақиқатга яна бир бор амин бўлдилар.

ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТАРАННУМИ



"Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori остида ўтказилган танловнинг тантанали очилиш маросимида сўз олган Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Файрат Маждов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева ва бошқалар мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўли, айниқса, кейинги йилларда халқимиз кўз ўнгига рўй бераётган асрларга татигулик юксалишлар, бунёдкорлик

жараёнлари, замондошларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб, бу ютуқлар юртимиз қалам аҳлини ҳам янги ижодий режа ва марралар сари илҳомлантириётганини таъкидладилар.

Энг улуг, энг азиз

Бу галги танловда пойтахт вилоятилик 50 га яқин ижодкорлар 300 дан ортиқ журналистик, адабий-бадний асарлари ҳамда тасвирий санъат йўналишидаги из-

ланишлари билан иштирок этдилар. Шу билан бирга, бу сафар илк мартаба ижтимоий тармоқлар ва телеграмм мессенжерлари орқали ўз фаол фуқаролик позициясини намоён қилиш эҳтиёжидан кўра, юксак дахлдорлик ва ватанпарварлик руҳидаги чиқишлари билан кўпчилик эътиборига тушаётган блогерларнинг ижодий ёндашувлари ҳам муносиб рағбатлантирилди.

Шу куни танлов иштирокчиларининг бадний, публицистик ҳамда тасвирий санъат йўналишларидаги хилма-хил жанр ва ранг-баранг услубларда яратган асарларидан иборат ижодий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Яқинда "Энг улуг, энг азиз" танлови вилоят босқичининг бу галги ғолиб ва совриндорлари номи эълон қилиниб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсда-

лик совғалари топширилди. Қувонарлиси, бу йилги танлов ғолиблари орасида тахририятимиз ижодкорлари ҳам бор.

Тақдирлаш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Озода Парпибоева иштирок этди.

Вилоят ҳокимлиги
ахборот хизмати
Шерзод ҚОБУЛОВ
олган сурат

Туйғу

Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши – жамият ҳаётининг турли соҳаларида қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг амалга оширилиши, олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ҳамда одамларнинг бу жараёндаги иштироки – ижтимоий фаоллигига боғлиқ. Бу, энг аввало, одамлар қалбида жамиятдаги ҳар бир жараёнга шахсий дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Тинч-тотув яшаш, фаровон ҳаёт учун кураш маънавий бурчга айланади.

ДАХЛДОРЛИК САОДАТИ

Йигирма саккиз йил тарих учун катта муддат эмасдир, эҳтимол. Аммо ҳаётда шундай йиллар, ойлар ва кунлар бўладики, уларни бирор нарсага қиёслаш мушкул. Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиши, халқро майдонда эгаллаган ўрни, мустақиллик йилларида қўлга киритган оламшумул ютуқларини бугун бутун дунё тан олмоқ-



да, асрларга татигулик юксалиш, дея эътироф этмоқда.

Қувонарлиси, ортимиздан замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, ҳақон тажрибаларидан яхши хабардор, изланувчан, интилувчан, эътиқоди мустаҳкам янги авлод – ҳаётимизнинг эртанги давомчилари келаётди. Мустақил фикрга, ўз ҳаётини позициясига эга бўлган бундай ёшларни тўғри йўлдан чалғитиб бўлмайди. Истиқлол бизга мана шундай буюк маънавий бойликни ато этди. Ёшлар кўзида ҳайрат, юрагида жасорат, кексаларнинг эса тили ва дилида дуо бор. Буларнинг барчаси шукроналик туйғусига йўғрилган.

БОЛАЛАР ҚАМРОВИ ОШИРИЛМОҚДА

Вилоятимизда боғча ёшидаги болаларнинг мактабгача таълимга қамрови 2018 йил аввалида 28,1 фоиз, жорий йил бошида эса 36,9 фоизни ташкил этган эди. Айтилган пайтда бу кўрсаткич 40 фоизни ташкил этаётди.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, хусусан, янгиларини ташкил этиш орқали болаларнинг боғчага қамровини кенгайтириш, таълим-тарбия сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш, бу борада нодавлат, давлат хусусий шериклик асосидаги таълим муассасаларини ташкил этиш, ушбу йўналишдаги тadbиркорларга имтиёзлар



яратиш, шунингдек, тизим сифати ва самардорлигини оширишда Президентимизнинг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таъ-

лим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси юзасидан вилоятимизда ҳам тизимли иш-



лар амалга оширилмоқда. Боғча ташкил этиш истисини билдирган тadbиркорларга бўш турган ер майдони, давлат мулк объектлари хусусий мулк сифатида берилиб, имтиёзли кредитлар тақдим қилинмоқда.

Вилоятда хусусий сек-

тор томонидан 2019 йил мобайнида ташкил этилиши режалаштирилган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган.

Давоми 2-бетда ➡

Давоми 4-бетда ➡

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Шу пайтга қадар Нурафшон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келган Усмон Раҳимов Олмалиқ шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов иштирок этди.

Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Нурафшон шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келган Усмон Раҳимов бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. "Toshujoy UITI" акциядорлик жамияти бош директори бўлиб ишлаб келган Қаҳрамон Ҳакимов Нурафшон шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов сўзга чиқди.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР:

Бугунги кунда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари катта аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан ташкил этилган мазкур идоранинг амалий кўмаги билан кўплаб ҳамюртларимизнинг турли муаммолари ижобий ечим топмоқда. Энг муҳими, муносабатлар тегиш-

ли ташкилотлар томонидан ўз вақтида қонуний ва адолатли ҳал этилаётгани фуқароларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч ҳисси билан яшашларида муҳим омил бўлмоқда.

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Кейинги йилларда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб шароит яратиш, шунингдек, ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатор ва депутатлар корпуси, фуқаролар йиғинлари, оммавий ахборот воси-



талари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда,

жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали шакллари жорий этилди. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Қарорда белгиланганидек, ҳудуддаги муаммоларни тезкор ўрганиш ва ечимини топишда сектор раҳбарлари масъулиятида барча туманларда сайёр қабуллар ўтказилиши доимий йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустақамлайдиган халқ билан мулоқот усули тобора ўзига хос анъанага айланиб бормоқда. Бундай амалиёт фуқаролар билан

лиги иштирокидаги сайёр қабулларда эса 111 та муурожаат ижобий ҳал этилган.

Шунингдек, шу даврда Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти томонидан 8 мартаба, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан 5 мартаба, Бош прокуратура ҳузуридаги Маъбурий ижро бюроси раҳбарияти томонидан 4 мартаба, "Ўзтрансгаз" АЖ раҳбарияти томонидан 2 мартаба ва

ришлар берилган, 2 минг 771 тасининг қўриб чиқилиши назоратга олинган.

Сайёр қабуллар жараёнида келиб тушган муурожаатлар соҳалар кесимида таснифланганида, 1 минг 378 таси коммунал (газ, электр, сув, иссиқлик таъминоти); 769 таси йўл қурилиши; 500 таси уй-жой билан таъминлаш; 354 таси қурилиш; 339 таси иш билан таъминлаш; 304 таси соғлиқни сақлаш; 276 таси кредит

лилардан маълум бўлди.

Халқ қабулхоналари бошчилигида ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллар жараёнида прокуратура идоралари томонидан 557 та, ички ишлар идоралари томонидан 566 та, давлат солиқ идоралари томонидан 401 та, маъбурий ижро бюроси томонидан 80 та, бандликка қўмаклашиш идоралари томонидан 59 та, уй-жой коммунал хизмати томонидан 49 та, соғлиқни сақлаш соҳа-

сида жойлашган 97 хонадонга ҳам зилот сув кириб борди.

"Файзобод" маҳалласи, Нур кўчасига 1 донга ТП-5 трансформатор, янги симёғоч ва 4000 метр электр симлари тортилиб, 30 хонадон электр энергияси билан таъминланди.

"Тинчлик" ҳудуди, Балиқчи кўчасига ҳомийлар ёрдамида кўча ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Бундай мисолларни ҳар бир туман ва шаҳарлар бўйича кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиш лозимки, бугун ҳар бир фуқаро учун барча давлат органлари ва ташкилотларининг эшиклари очик. Ҳар ким ўзининг ҳар қайси соҳада эркин фикрини билдириши мумкин. Чунинчи, фуқароларнинг ижтимоий фаолликлари ортиб, жамоатчилик назорати тамойили амалда ишламоқда. Сирасини айтганда, давлат идораси раҳбарлари фуқароларнинг муурожаатларини сокин кабинетларда эмас, балки ижтимоий жараёнлар кечаётган паллада, жойида қабул қилиб, реал ҳолатдан келиб чиқиб ҳал этишмоқда.

Мухтасар айтганда, сайёр қабулларнинг халқ манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этилаётгани ҳудудларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйиб, уларни тўлақонли бажаришга ундаётгани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Тошкент вилоятидаги
Халқ қабулхонаси**

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида Кореянинг "Корея – Марказий Осиё Форуми" Котибияти вице-президенти Сеонг-Ин-Ким бошчилигидаги делегациянинг Қўмита раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди.



Меҳмонларга Қўмита, мамлакатимизда фаолият юритадиган "Ўзбекистон – Корея дўстлик жамияти" тўғрисида, шунингдек, мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди.

Делегация раҳбари жаноб Сеонг-Ин-Ким самимий қабул учун ўз миннатдорчилигини билдириб, Кореянинг "Корея – Марказий Осиё Форуми" Котибияти ва Қўмита фаолияти бир-бирига ўхшашлиги ҳамда юқори даражадаги бу ташкилот билан ҳамкорлик қилишдан мамнунлигини айтди. Учрашувда делегация раҳбари томонидан икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, хусусан, Қўмита ва Котибият ўртасида ҳамкорлик Меморандумини имзолаш ўзбек-корей алоқаларининг янги босқичга олиб чиқиши алоҳида таъкидланди.

Учрашув давомида Ўзбекистон – Корея ўртасидаги муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, Сеонг-Ин-Ким ўзбек-корей тарихий алоқаларини сақлаб қолиш, уларни янада янги босқичга кўтариш, келажақ авлод вақиларига ҳам етказиш ва Ўзбекистон билан яқин, дўстона муносабатларни ўрнатишда бевосита иштирок этишдан мамнун эканини билдирди.

Қўмита ва Котибият ўртасида ҳамкорлик Меморандуми тантанали равишда имзоланди ҳамда келажақдаги режалар ва уларни амалга ошириш механизмлари бўйича келишувларга эришилди.

Ҳ. УБАЙДУЛЛАЕВ

БОЛАЛАР ҚАМРОВИ ОШИРИЛМОҚДА



Унга мувофиқ, жорий йил туман ва шаҳарларда 10 минг 910 ўринга мўлжалланган 100 та оилавий, 44 та хусусий, 38 та давлат-хусусий шериклик асосидаги, шунингдек, 1 та давлат, жами 183 та мактабга таълим муассасаси ташкил этиш режалаштирилган. Маълумотларга кўра, айтилганда вилоятда 690 та мактабга таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Уларда боғча ёшидаги болаларнинг 40 фоизи қамраб олинган бўлиб, 87 минг 446 жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир.

– Вилотдаги мавжуд мингдан ортиқ фуқаролар йилгинининг 570 тасида мактабга таълим муассасасига эҳтиёж бор, – дейди вилоят мактабга таълим бошқармаси бошлиғи Н. Далабоева. – Яъни вилоятнинг ярмидан кўпроқ маҳалласида боғча йўқ ва айтилган ҳудудларда 132 минг нафардан зиёд боғча ёшидаги бола бор. Шу рақамларнинг ўзиде ҳали олдимизда турган вазифаларнинг нечоғлик улкан эканини аниқлади.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тadbиркорлик субъектлари ва фуқаролар томонидан 3 минг 929 ўринга мўлжалланган 94 нодавлат мактабга таълим муассасаси очилди.

Йил якунига қадар яна 20 та хусусий, 39 та оилавий ва 29 та давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабга таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Ушбу таълим муассасалари ишга тушган, вилоятда боғчалар сони 796 тага етади ва уларда 107 минг нафардан зиёд боғча ёшидаги боланинг 49 фоизини мактабга таълимга қамраб олиш имконияти яратилади.

Вилоятда шунингдек, 139 та мактабга таълим муассасасида қисқа муддатли 278 та гуруҳ ташкил этилиб, уларда қарийб 7 минг болага машғуллар олиб борилмоқда.

**Авазбек Худойқулов,
ЎзА мухбири**

Сайёр қабуллар:

МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

мулоқотни сифат жиҳатдан яхшилашга, олис масофаларни қисқартиришга ёрдам беради.

Жорий йилнинг 23 мартидан 29 июнига қадар Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида Президент Администратсияси ходимлари томонидан жами 7 мартаба сайёр қабул ўтказилиб, 35 та муурожаат ижобий ҳал этилган. Тошкент вилояти ҳокими томонидан 24 мартаба ўтказилган сайёр қабулда 182 та муурожаат, вилоят прокуратури ўтказган 37 сайёр қабулда 190 та, вилоят ИИББ бошлиғи томонидан 23 мартаба ўтказилган ана шундай сайёр қабулда 132 та, вилоят ДСБ бош-

Бошланғич 1-бета

Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти томонидан 2 мартаба – жами 21 мартаба сайёр қабул ташкил этилиб, уларга келиб тушган 856 та муурожаатдан 130 таси қаноатлан-тирилган, 156 таси бўйича тушунтиришлар берилган ва 570 таси қўриб чиқиш учун назоратга олинган.

Бундан ташқари, вилоят туман ва шаҳар сектор раҳбарлари томонидан Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда ҳудудларда жами 865 мартаба сайёр қабуллар ўтказилиб, келиб тушган жами 6 минг 643 та муурожаатдан 1 минг 870 таси ижобий ҳал этилган, 1 минг 998 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва қонуний тушунти-

олиш; 275 таси ички ишлар фаолияти; 256 таси моддий ёрдам ажратиш; 134 таси давлат хизматлари фаолияти; 109 таси пенсия ва нафақа; 99 таси коммунал тўловларни ҳисоблаш; 97 таси алимент ундириш; 85 таси суд-ҳуқуқ; 79 таси прокуратура; 69 таси мактаб таълими; 68 таси транспорт хизматини йўлга қўйиш; 54 таси солиқ тўловлари; 47 таси суд-ижрога оид; 22 таси табдиркорлик ҳуқуқларини тиклаш; 21 таси банк-молия; 16 таси доридармон, нарх-наво; 13 таси афв этиш; 10 таси саноат ва маданият; 7 таси олий таълим ва 1 минг 545 таси бошқа масалаларга оид экани таҳ-

си ходимлари томонидан 47 та, "Электр тармоқлари" УК томонидан 47 та, "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан 32 та, автомобиль йўллари корхонаси томонидан 31 та, кадастр хизмати томонидан 27 та, банклар томонидан 27 та, суд органлари томонидан 20 та, мактабга таълим муассасалари томонидан 14 та муурожаат ижобий ҳал этилган.

Хусусан, сайёр қабулларда Юқоричирчиқ тумани, Арғанчи ҳудуди, "Дархон" маҳалласида сув скважинаси қазилиб, шу маҳаллада истиқомат қилувчи 30 та хонадон ичимлик суви билан таъминланди. Бундан ташқари, шу туманнинг "Навбахор" маҳалласи, Еттиовул кўча-

КАДРЛАР МАЛАКАСИ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Сўнгги йилларда республикамизда, жумладан, вилоятимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг замонавий шакл ва ва технологияларини жорий этиш бўйича кўламли ишлар олиб борилаёпти. Хусусан, ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларида янги таълим йўналишлари пайдо бўлди.

□ Муносабат

Президентимизнинг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори фаолиятимизда асосий дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатлар қатор вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсати амал қилади. Бунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш, таълимнинг янги педагогик технологиялари ҳамда ўқитиш услубларини жорий этишда халқаро амалиётга мувофиқ ташкил этиш, ўқув режалари ва фан дастурларини такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий шакллари жорий этган ҳолда ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш, иқтисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптимallasштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш алоҳида назарда тутилган. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, ёшларни мустақиллик гояларига садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида, инсонпарварлик ва юксак маънавий гоялар асосида тарбиялаш, ёт гоя ва мафқураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлашга эътибор қаратилади.

Белгиланган вазифаларни иччил амалга ошириш касб-ҳунар таълими бошқармалари неғизида ташкил этилаётган касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, улар томонидан касб-ҳунар коллежлари директор, педагог ходимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг узлуқсиз малака ошириш тизими такомиллаштирилади.

Шунингдек, ҳудудий бошқарма ва таълим муассасаларини замонавий билимларга эга малакали мутахассислар билан тўлдириб бориш ҳам кун тартибидадир. Қолаверса, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида тарбиявий ишларни кучайтириш, ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, мамлакатимиз тарихи ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мазкур вазифаларни сидқидилдан бажарас, Ватанимиз равнақи, ёш мутахассисларнинг келажақда юқори малакали кадрлар бўлиб етишлари учун муносиб ҳисса қўшган бўламыз.

**А. ЗОКИРОВ,
Вилоят касбий таълимни
ривожлантириш ва мувофиқлаштириш
ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Бош услубчи-маслаҳатчи**

ҲАР МАСАЛАГА БИР ЕЧИМ БОР

гап одамлар билан гаплаша билишда



принципи асосида аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, ҳудудларда уйма-уй юриш ҳамда оммавий сайёр қабулларни ташкил этиш орқали долзарб ва тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган ўзига хос самарали механизм йўлга қўйилган.

Хусусан, шу йил 6-8 август кунлари жойларда аҳолини кийнаб келаётган ҳамда кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни тезкор ҳал этиш мақсадида Адлия вазирининг ўринбосари Х. Мелиевнинг вилоятимизнинг Бекобод, Қўйичирчиқ, Бўстонлик туманларида сайёр қабуллари ташкил этилди.

Сайёр қабулларда 450 га яқин фуқаролар иштирок этиб, улардан жами 275 та муурожаат келиб тушди. Улар мазмунига кўра, ўзбошимчилик билан қурилган умумратларга эгалик ҳуқуқини олиш, тиббиёт мутассаларида, сўхатгоҳларга йўлланма ажратиш, моддий ёрдам, ишга жойлашиш, табдиркорлик, кредит, коммунал соҳа, йўл қурилиш масалалари, шунингдек, суд-

йилганини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, ўтган даврда сайёр қабулларда 1 минг 301 та муурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 852 тасига ижобий ечим топилиди.

Хусусан, шу йил 6-8 август кунлари жойларда аҳолини кийнаб келаётган ҳамда кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни тезкор ҳал этиш мақсадида Адлия вазирининг ўринбосари Х. Мелиевнинг вилоятимизнинг Бекобод, Қўйичирчиқ, Бўстонлик туманларида сайёр қабуллари ташкил этилди.

Сайёр қабулларда 450 га яқин фуқаролар иштирок этиб, улардан жами 275 та муурожаат келиб тушди.

Улар мазмунига кўра, ўзбошимчилик билан қурилган умумратларга эгалик ҳуқуқини олиш, тиббиёт мутассаларида, сўхатгоҳларга йўлланма ажратиш, моддий ёрдам, ишга жойлашиш, табдиркорлик, кредит, коммунал соҳа, йўл қурилиш масалалари, шунингдек, суд-

□ Ғўза парваришида зарбдор 40 кунлик

ФЕРМЕРНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Аграр соҳанинг самарадорлигини янада ошириш, ер ва сув захираларидан унумли фойдаланиш, илгор технологияларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида пахтачилик соҳасига кўплаб ташаббускор ёш мутахассислар жалб этилмоқда.

Кучга тўлган, ғайратли ва шижоатли Абдулазиз Абдувахобов мана, бир неча йилдан буён Юқоричирчиқ туманидаги "Хосилот ҳосили" кўп тармоқли фермер хўжалигига раҳбарлик қилмоқда. Утган қисқа вақт мобайнида миришкор йилги ғўза парваришлашининг янгича усулларини амалиётга босқичма-босқич татбиқ этиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ениги,

суд ва ўғитлардан ўз ўрнида фойдаланиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш ва даромад ошишига хизмат қилмоқда.

У Тошкент давлат Аграр университетидидаги талабалик йиллари уруғчилик ва тупроқшунослик асосларини пухта ўзлаштириб, ерни ўғитлаш, ғўзага ишлов бериш ва ҳосилдорликни ошириш сир-синоатларини ўрганди. Амалий машғулотлар



Ўз вақтида чеканка қилди, чунки бу муҳим жараён ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади. Шу кунларда эса ёш фермер пахта

майдонларни "шарбат" усулида дам-бадам суғормоқда. Бундай мушкул ва масъулият талаб этадиган ишда "Хосилот ҳосили" кўп тармоқли фермер хўжалигининг жами 30 нафар ходими фаол иштирок этмоқда. Тажрибали механизаторлар, мироблар шулар жумласидандир.

– Бу йилги мавсумда жамомиз ҳар гектардан ўртача 40 центнердан ҳосил олишни режалаштирган, – дейди Абдулазиз Абдувахобов. – Қўлга киритилган даромад ҳисобидан эса замонавий чорвачилик комплексини қуриб, Германия ва Голландиядан зотдор қорамоллар олиб келмоқчимиз. Бу эса, ўз навбатида, янги иш жойларини яратишга, ҳамкишлоқларимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Президентимиз раислигида 12 август куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвес-

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда. Бу – иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилишига замин яратмоқда. Сармоядор-

фирмаларининг 50 минг тоннадан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган автоматлаштирилган линиялари билан жиҳозланади. Корхонада ички ва ташқи

Ангренда МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасида Марказий Осиёда ягона бўлган минерал юнг ишлаб чиқарувчи янги "ANGREN INSULATION" заводи қурилишига старт берилди.

Инвестицион лойиҳа

тицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида 85 триллион 775 миллиард сўм инвестиция ўзлаштирилгани, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп экани алоҳида таъкидланган эди.

14 август куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган навбатдаги кенгайтирилган йиғилишда мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошгани, олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмагани қайд этилди.

лар учун олиб борилаётган "очиқ эшиклар" сиёсати ишлаб чиқариш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтириб, йирик лойиҳалар амалга оширилишига имкон яратди.

"Ангрен" эркин иқтисодий зонасида ҳам инвестиция жалб этиш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аини пайтда "Ангрен" ЭИЗда минерал юнг ишлаб чиқарувчи янги "ANGREN INSULATION" заводи қурилишига старт берилди.

Маълумотларга кўра, хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликдаги мазкур замонавий ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш учун босқичма-босқич 40 миллион доллардан ортиқ сармоя киритилиши мўлжалланмоқда.

2020 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган корхонада 300 та янги иш ўрни яратилади. Дунё етакчи

бозорда истеъмолчилар эҳтиёжи учун қурилиш, автомобиль ва енгил саноат, электротехника, композит материаллар ишлаб чиқариш каби жадал ривожланаётган соҳаларда талабгор маҳсулот ишлаб чиқарувчи энг янги технологиялар мужассам бўлади. "ANGREN INSULATION" кўшма корхонасининг ишга туширилиши Ўзбекистонни Марказий Осиёда минерал юнг каби муҳим ва муқобили йўқ энергия тежайдиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган етакчи мамлакатга айлантиради.

Қурилиш жараёнида минерал юнг изоляциясидан фойдаланиш энергия тежаш кўрсаткичларини сезиларли даражада оширади ва ҳар қандай бионинг энергия самарадорлигини яхшилайди. Қурилиш компаниялари ва аҳоли томонидан минерал юнгдан фойдаланиш йилига камида 10 миллиард кубометр табиий газни тежаш имконини яратди. Тежалган ушбу микдордаги табиий газ 1 миллиард доллар демакдир.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА

Касаба уюшмалари ва давр

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бугун тараққиёт шиддати тезлашиб, барча соҳаларга янгиликлар илдам кириб бормоқда. Хусусан, меҳнат шароити ва меҳнат муносабатларининг миллий ва халқаро стандартлар асосида ташкил қилинаётгани ўз-ўзидан ходимлар манфаатини ҳимоя этишда янгиқа услублар қўллашни тақозо этмоқда.

Амалдаги "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган даврдан (1992 йил) бери кўп тамойиллар ўзгарди. Хусусан, рақамли иқтисодиёт ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий шакллари жорий этилди. Натижада мазкур қонун имкониятлари чекланиб қолиб, ҳар томонлама мукаммал бўлган янги қонунга эҳтиёж туғилди.



Бу ҳақда вилоят ҳокимлигида "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган мулоқотда сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, касаба уюшмалари фаоллари ва соҳа мутахассислари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, лойиҳа юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш қонун ижодкорлигидаги ижобий қадамлардан саналади. Маз-

лумки, авваллари қонун қабул қилиниб, кейин унинг тарғиботи амалга оширилган эди. Эндликда лойиҳа жамоатчиликка тақдим этилиб, фикрлар ва таклифлар жамланмоқда. Бу нафақат қонун ижодкорлари иш сифатининг ошиши билан боғлиқ жараён, балки қонунни амалиётга жорий этишдан манфаатдор тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатларини белгилашда муҳим аҳамият касб этапти.

Тадбир аввалида қонун

лоийҳасини ишлаб чиқиш жараёни, ундаги янгиликлар ҳақида батафсил сўзлаб берилди. Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари қатор таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Ёзма равишда берилган фикрлар лойиҳани янада такомиллаштиришда фойдаланиш учун Қонунчилик палатаси депутатларига тақдим этилди.

Ўз муҳбиримиз
Шерзод ҚОБУЛОВ
олган суратлар

ТУЗЛАМА МАЗАЛИ, БИРОҚ...

Ёз – аини пишиқчилик фасли ҳисобланади. Бу вақтда уй бекаларига иш кўпаяди. Улар бодринг, помидор каби сабзавотлардан маринадланган консерва маҳсулотлари ҳамда мевалардан қиймлар тайёрлашади. Бу жараёнда аёлларимиздан оғоҳлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади.

Эҳтиёт шарт!

Ботулизм овқатдан захарланишларнинг энг хавфли ва оғир кечадиган туридир. Касаллик асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечиби, асаб-мушак парези ва фалажга олиб келади.

Ботулизм таёқчасининг қаерда бўлиши ҳалигача номаълум бўлиб, жуда захарли токсин ажратлади. Унинг споралари озиқ-овқат маҳсулотлари қайнатилганда ёки узок муддатгача музлатилганда ҳам ривожланиши ва токсин ҳосил қилиши маълум.

Касаллик таёқчалари ташқи муҳитдаги сувда, тупроқда, мева ва сабзавотларда кўп тарқалган бўлиб, кузатишларга кўра, бу касаллик асосан уй шароитларида тайёрланган маринад-ли консерва маҳсулотларини (тузлама-



лар) истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади.

Одатда касаллик маринадлар истеъмол қилингандан кейин бир неча соатдан сўнг тўсатдан бошланади. Беморларда умумий дармонсизлик, ланжлик, кўнгил айнаши, қусиш ҳолатлари кузатилади. Кўп ҳолларда оғзи қуриб, ошқозон соҳасида оғриқ сезилиши мумкин. 6-24 соат ўтгач, ботулизмга хос белгилар пайдо бўлади. Кўз олдига хиралашиб, нарсаларнинг иккита кўриниши, қовоқларнинг осилиб, кўз очолмаслик, овқат ютиш қийинлашиб, товуши пасайиши, димоқда гапириш ҳолатлари кузатилади. Беморларда ютиш фаолияти бузилганлиги сабабли аксарият ҳолларда ичилган суюқлик буридан оқиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош ҳисобчиси лавозимига танлов асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Низомга қўйиладиган асосий талаблар:

Академик билимлар (диплом – бухгалтерия, иқтисодиёт йўналишида олий маълумот);
Бухгалтерия соҳасида камида 2 йиллик амалий иш стажига;
Ўзбек ва рус тилларини билиш;
Компьютер саводхонлиги;

№	Касбларнинг мутахассисликлари	Талаб қилинадиган малака (разряд)	Талаб қилинадиган маълумот	Талаб қилинадиган иш стажига	Бўш иш (ваканти) жойлари сони	Иш шакли (доимий, мавсумий, вақтинчалик)	Меҳнатга ҳақ тўлаш шакли
1	Бош ҳисобчи	13	Олий, иқтисодчи	2 йиллик иш стажига	1 ставка	доимий	ойлик (вактай)

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига АТ "Халк банки" Тошкент вилояти Чирчиқ филиалининг 15.08.2019 йилдаги №211-сонли буюртмаомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, "Бахт" МФЙ, Тикланиш кўчаси, 110-уй, 1-хонадон манзилда жойлашган, умумий майдони 54,67 кв.м.дан иборат, бошланғич нархи – 88 308 000 сўм бўлган 017-сонли шаҳобча биноси (нотураржой) қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2019 йил 18 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 18 сентябрь куни сотилмаган тақдирда,

такрорий савдолари 2019 йил 4 ва 22 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевоcита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган микдорда закатат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқбанк" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимининг қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001.

МФО 01132-СТІР 304-802-952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартнома-си имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел.: (+998 71) 236-25-53. Веб сайт: www.capitaltrust.uz Лицензия RR – 0298.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали раҳбарияти барча тадбиркорларни шерикчилик асосида қуйидаги икки бинони бузиб, қайта қуриш бўйича ҳамкорликка чақиради:

1. Тошкент вилояти Ангрен шаҳри, "Жигаристон" маҳалласи, Жигаристон кўчаси, 31-уйда жойлашган собиқ Ангрен-1 (Жигаристон) почта алоқа бўлими биноси. Қурилган йили – 1944. Авария ҳолатида.

2. Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Арғанчи ҚФЙ, "Жумабозор" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Жумабозор" почта алоқа бўлими биноси. Қурилган йили аниқ эмас. Сногса тушган.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ

Тошкент филиали раҳбарияти билан боғланиш учун телефонлар: (71) 208-28-98, (71) 208-16-49. Электрон манзили: info.tashvil@post.uz

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали раҳбарияти

"Сувсоз" ДУК қошидаги "MUSAFFO OVI HAYOT" МЧЖ Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги янги нархлар жорий этилганини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Аҳоли учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. учун 402,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. учун 251,00 сўм

Бюджет корхоналар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 469,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 276,00 сўм

Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 402,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 251,00 сўм

Юридик корхоналар учун:
Ичимлик суви – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 1423,00 сўм
Оқова хизмати – 1 куб. м. учун (+20 % ҚҚС) 561,00 сўм.

ҲУРМАТЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

Тошкент вилояти Молия Бош бошқармаси томонидан 2019 йил 12 августда тасдиқланган ва №ТВ-08-11-14-2019/2-сонли РЕЕСТРига асосланиб, Ангрен шаҳар "Kommunal xizmat ko'rsatish" davlat korxonasi маъмурияти 2019 йил 1 сентябрдан Ангрен шаҳар Нуробод шаҳарчасидаги аҳоли, бюджет ва бошқа улгуржи ташкилотларга етказиб берилаётган коммунал хизматлари нархи (ҚҚСсиз) ошганлигини маълум қилади.

Ичимлик суви:		
аҳолига	- 1 м3 - 1 киши/ойига	- 186 сўм - 2232 сўм
бюджет ташкилот улгуржи ташкилотларга	- 1 м3 - 1 м3	- 248 сўм - 272 сўм
Оқова хизмати		
аҳолига	- 1 м3 - 1 киши/ойига	- 457 сўм - 7129,20 сўм

Эслатма:

1. Ҳисоблагич асбоби йўқ истеъмолчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрь №300-сонли "Республиканинг иссиқлик ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2015 йил 18 майдаги 151-сонли қарорининг ижроси қўлланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.02.2019 йилдаги 05/1-4774-сонли топшириғи, ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қарорига асосланиб, Ўзбекис-

бюджет ташкилот учун улгуржи ташкилот учун	- 1 м3 - 1 м3	- 755 сўм - 2299 сўм
Иссиқлик энергияси		
бюджет ва улгуржи ташкилотларга	- 1 Гкал	- 130558 сўм
аҳолига иссиқ сув	- 1 Гкал - 1 м3 - 1 киши/ойига	- 39183 сўм - 2155 сўм - 7989 сўм
иссиқлик тармоғи	- 1 м2/ойига	- 830 сўм

тон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига талаб этиладиган маблағлар тушумини таъминлаш мақсадида ичимлик суви таъминоти хизматлари учун махсус устама ҳақ микдори 50 сўм/м³ ва канализация хизматлари учун махсус устама ҳақ микдори 50 сўм/м³ қўлланилади.

3. 2019 йил 1 сентябрдан иссиқлик энергияси, ичимлик суви ва оқова нархлари ўзгарганлиги сабабли 2019 йил 19 апрелдан кучга кирган иссиқлик энергияси ҳамда 2018 йил 2 декабрдан кучга кирган ичимлик суви ва оқова хизмати тарифлари ўз кучини йўқотади.

ТАБИЙ ГАЗДАН ФЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГҲРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

2019 йил 3 август куни "Тошкент ҳақиқати" газетасининг № 60-61 сонли нашрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлда "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида"ги 633-сонли қарори эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарорининг 2-илоvasи 102-бандидаги "олти ойдан" сўзлари "икки йилдан" сўзлари билан алмаштирилсин, яъни табиий газ ҳажмлари учун тўлов аванс билан тўланган тақдирда, маиший истеъмолчилар (аҳоли) тўлов тўланган кундан бошлаб, кейинги 6 ойдан эмас, 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тариф ўзгарганда қўшимча тўловлар тўлашдан озод қилинади.

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани ТСРҲИ томонидан Сирғали тумани, Қумарик кўчаси, 54-уйда жойлашган 03.04.2018 йил №596123 рақами билан рўйхатдан ўтган (СТІР 305454182) "BURXONOV BEHZOD" масъулияти чекланган жамияти ихтиёрий равишда тугатилади.

❑ Пири бадавлатларимиз

Орамизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўллари, амалга оширган ибратли ишлари ҳавас қилишга арзийди. Ўртачирчиқ тумани "Роватак" маҳалласида ана шундай табаррук отахон яшайди. Уни билган, таниган

кишилар ҳурмат билан "устоз" деб мурожаат қилишади. Бу инсон ўзининг 70 йиллик муборак ёшини нишонлаётган, нафақада бўлса ҳам "Нуроний" жамғармаси Ўртачирчиқ тумани бўлимини бошқараётган Зикрия Йўлдошевдир.

ҲАЁТДАН ҲИКМАТ ИЗЛАБ...



Зикрия Йўлдошев 1966 йили Нурафшон шаҳридаги 4-ўрта мактабни "аъло" баҳо билан битириб, Тошкент Давлат университетининг механика-математика факультетида ўқишга кирди. 1971 йилда олийгоҳни тугатиб, Тошкент Ирригация

ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг олий математика кафедрасида ассистент лавозимида меҳнат фаолиятини бошлади.

Зикрия Умрияевич ўтган давр мобайнида кафедра катта ўқитув-

чиси, иқтисод факультети декан муовини, кафедра мудири муовини, касаба уюшмаси раиси ва бошқа лавозимларда фаолият кўрсатди. Олийгоҳда 42 йил талабаларга сабоқ берган Зикрия Умрияевичнинг минглаб шогирдлари бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб боришиб, халқ хўжалиги ривожига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўртачирчиқ тумани меҳнат фахрийлари 2016 йил Зикрия Йўлдошевга ишонч билдиришиб, Ўзбекистон Фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги "Нуроний" жамғармаси туман бўлимига раис этиб сайлашди.

Таърибли устоз бугунги кунда тумандаги 17 минг нафардан зиёд меҳнат фахрийси, 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши, 97 нафар фронт орти меҳнат фахрийси, 24 нафар

Афғон уруши ногиронлари, 19 нафар Чернобыль қатнашчиси ва бошқа ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатишни асосий вазифаси деб, фаолият юритмоқда.

Зикрия Йўлдошев узок йиллар халқ орасида бўлиб, уларнинг ўй-ташвишлари билан яшади. Кишилардан ёрдамини аямади. Самарали меҳнатлари туфайли эъзоз ва ҳурматга сазовор бўлиб, 2018 йил 1 даражали "Меҳнат фахрийси" нишонига сазовор бўлди.

Зикрия Йўлдошев оилада меҳрибон ва ғамхўр ота, ўн набирага бобо. Умр йўлдоши Покиза Йўлдошева ҳам педагог, 35 йил мактабда ўқувчиларга тарих фанидан дарс берди.

Зикрия ота ва Покиза ая 45 йил тотувликда ҳаёт кечиришиб, тўрт нафар фарзандни эл қорига камарбаста инсонлар қилиб тарбиялашди, ҳаммаларини ўқитиб, уйли-жойли қилишди. Ўғли Бахтиёр (охирати обод бўлсин) таърибли иқтисодчи эди. Қизлари Дилфуза ўқитувчи, Шаҳноза тарбиячи, Ирода ҳуқуқшунос. Оиладаги ўн нафар набира бобо-ю, бувижонисининг овуночи.

Яқинда Зикрия ота хонадонидан қувончли кун. Фарзанди набиралар, дўсту биродарлар Зикрия отанинг таваллуд айёмлари билан қутлаш учун жамулжам бўлишди.

Устозни ҳамкасблари, маҳалладошлари, шогирдлари муборак ёш билан чин дилдан қутлашмоқда, биз ҳам бу эзгу тилакларга қўшилишимиз!

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси

❑ Туйғу



ДАҲЛДОРЛИК САОДАТИ

Кичкинтой Моҳинур расм чи-зишни яхши кўради. Кунни кеча чизган суратларини менга кўрсат-таркан, унинг ишлатган ранглар-ри эътиборини тортиди. "Қа-ранг, бувижон, зўр чизибман-ми?" деган саволига савол қай-тардим: "Икки кабутар ленталар-ни чўқилаб қайга олиб кетиша-япти? Мана бу кемачанинг бай-роқчаси бошқача ҳилпираркан-ми?"

Моҳинур кўзларини катта-кат-та очиб, завқ билан тушунтира кетди: "Шуни ҳам билмайсизми, кабутарлар тинчлик қуши-ку! Лен-таларда байроғимиздаги ранг-лар бор. Мана бу расмдаги тинч-лик кемачасига Ватанимиз бай-роғини илдим, ҳилпирашини қа-ранг!"

Улғайибсан, болажон! Кунни кеча эди, "Мени барвақт уйго-нинг, телевизордан мадҳияни эшитиб ўрганаман, кейин боғча-га бораман", деб хархаша қил-лардинг. Бугун хат-саводинг чи-қиб, ақлинг анча тўлишганини яна бир бор исботладинг. Таъ-тида чиқшдан олдинги табдир-да устозинг: "Сўнгги кўнғирок"-ни 1-синфнинг энг аълочи, жа-моатчи ўқувчиси Моҳинур Зоҳид-жонова чалади", - деганини ка-мида ўн марта айтиб мактадинг. Бугун эса кўриниб турибди, ўша мактовларга мос бўлиш учун таъ-тил бўлсада, дарс тайёрлашдан, расм чизшдан бўшамадинг.

Нодир бу йил ҳам Тошкент ахборот технологиялари универ-ситетида ўқишга топшириш фик-ридан қайтмади. Ўтган икки йил-лик натижасиз уринишлар унинг аҳдини янада қатъийлаштирди. Тўғри, ўтган йили у тўлов-кон-тракт асосида ўқиши мумкин эди. Аммо унинг нияти давлат гранти асосида ўқиш. Бунинг учун у астойдил тайёрланди, ўзига бўлган ишончи ортди. Нодир тест натижалари эълон қилини-

❑ Бошланғич 1-бета

шини орзиқиб кутмоқда. Ажаб-мас, бу йил талабалар сафидан жой олса...

Шухрат ака, энди мен ҳам ишга кириб, оиламиз бюджетига ёрдам берсам, жамиятда ўз ўрнимга эга бўлсам, дегандим. Ахир ота-онангизга осон эмас. Тўғри, ота-онанинг қўлида бўлса, фар-зандидан аямайди. Аммо, биз ҳам ота-оналаримизни аяшимиз, эъзозлашимиз, қўлимиздан кел-ганча хизматларини қилишимиз керак. Аёл кишига уй ишларининг ўзи етарли, дейсиз. Аммо, ойиҳоним ишни ҳам, рўзгорни ҳам эплаганлар. Мен уларнинг кел-инлариман, ахир. Ҳаммасига улгураман.

Бугунги кун ёшларининг қатъ-иятига ҳавас қилса арзийди. Бу қатъият уларда Моҳинурнинг ёшида томир отган бўлса ажаб-мас. Нодирнинг ёшида юраклар-га кўчди, илдиз отди. Шаҳзода қаби фикри теран, ақли етук ёшлар оилани муқаддас санаш билан бирга, Ватанимга хизмат қилсам, жамиятда ўз ўрнимни топсам, дейди. Буларнинг бари мустақиллигимизни мустаҳкам-лашга хизмат қилувчи омилар эмасми?!

Алп ўғломим, Барчиной қизим, бугун сенинг теран нигоҳингда Истиклол берган саодатни туй-дим. Қатъият ва шижоатни кўр-дим.

Кўзларингни каттароқ оч, Мус-тақиллик сенга умид, ишонч би-лан боқмоқда. Унга теран нигоҳ-лар билан назар сол. Юртимиз уз-ра жаранглаётган "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" таронасига жўровоз бўл.

Аллома ҲУСАНОВА

ОРОМҒОҲ ҚУВОНЧЛАРИ

Бўстонлик тумани-даги "Нихол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт орқали улар саломатлигини тиклашга қўмаклашиш мақсадида "Болалар спартакиада"си бўлиб ўтди.

❑ Болалар ёзи

"Касаба уюшмалари болаларга!" шиори ости-да ўтказилган мусобақа-да оромгоҳда дам олаёт-ган 7-14 ёшгача бўлган болалар қатнашди. Иш-тирокчилар дастлаб гу-руҳларга бўлиниб, "Мер-ганлик" эстафетаси,



"Қаддимизни ростлай-миз, сакрашни боппай-миз" қаби шартлар бўйича баҳслашишди. Шу-нингдек, бадмингтон, су-зиш, шашка бўйича ўзаро беллашдилар.

Беллашувлар қизгин ва мurosасиз курашларга бой бўлди. Барча қат-нашчилар голиблик учун астойдил курашдилар. Якуний натижаларга кўра, Саидкамол Сотиболдиев, Ифора Муҳаммаджонова, Азиза Абдуллаева ва Умиджон Миркамолловлар рақиблари орасида тенг-сиз, деб топилди.

Табдир якунида голиб-лар вилоят касаба уюш-малари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши то-монидан эсдалик совға-лари ва дипломлар би-лан тақдирланди.

Ўз муҳбиримиз

❑ Қатра

Яна ўша бекат. Автобус келиши-ни кутаялман.

Бекат ўриндиғида она ва чамаси 5 ёшлардаги бола пичирлашаяпти. Негадир она тинмай, рўмолининг учига кўзёшини артиб, унсиз йи-лайди.

ЮПАНИЧ

— Ойижон, йиғламанг. Илтимос... Ҳозир бобомларникига борайлик, айтаман. Келиб дадамни уришадилар. Фақат йиғламанг, — дейди бо-ласи овутмоқчи бўлиб.

Онаси бўлса ҳеч нимани эшитма-гандек, кўзёшларини тез-тез арта-ртал сокин йиғлайверди.

Ўнг кўзи бирам кўкариб, ваҳима-ли тус олибдики, эри урган шекил-ли... Бола бўлса онаизорнинг кўзи-ни силаб: — Катта бўлсам, сизни ўзим химоя қиламан. Дадамга ҳеч нима

овермайман. Фақат сизга музқай-моқ, шоколадла овераман, — дей-ди митти лабларини хомуш қимтиб.

— Ундай дема ёлғизим. Сен мени ўғлимсан-ку, а? Сен отанг қилган ёмон ишларни қилмайсан, тўғрим? Сен... сен, — она гапини тугатол-

май, боласини қучоқлаб яна кўзёш қилди.

Болақай митти қўллари билан онасининг юзларини артиб, кўкар-ган кўзини ўпаркан:

— Ана энди тузалиб қоласиз, ойи-жон. Сиз ҳам қўлимни кесиб олган-нимда шундай қилгандингиз. Битиб кетганди. Энди кўзингиз тузалади, — деди ишонч билан.

Онасининг ингичка учуқли лаб-ларига табассум югурди.

Бекатга автобус келди. Улар етак-лашиб автобусга чиқшди. Она ойна



олдидаги ўриндиққа келиб ўтирди, боласини эса тиззасига олди.

Улар бир-бирларига қараб жил-майишди. Автобус юриб кетди.

Бобуржон ИБРОҲИМЖОНОВ

❑ Ёзувчи бисотидан

— Ўтиринг, ака! Хангомала-ше-е-ёб кетамиз! Шу жийрон-тойимнинг ёшиям ўттиздан ошдиё! Кунимга яраб туриб-ди, тирикчиликнинг айби йўқ. Ишдан бўш пайтимда йўлга чиқаман. Бир замонлар битта такси тўхтаса, ўнта одам югу-риб борарди. Ҳозир битта одам қўл кўтарса, ўн машина гийқиллаб тўхтади.

Шўпирлар орасида "клиен-тимни обқўйдинг" деб ёқа бўғишадиганлари ҳам бор! "Хой, барака топгур, карвон кўп, ризқи бошқа, ўлар ерда-мисан", десангиз, "насиҳа-тингни укангга қил" дейди. Вой, тавбангдай кетай!

Мол бозор кунлари Шўра-бозорга тушиб тураман. Ора-си яқин. Қўй-пўй харид қил-ганларни элтиб қўйсам, ҳарна беш-ўн сўм тушади, насибага яраша...

Бир кун саҳарлаб бозорга бордим. Баҳор эди. Шивалаб ёмғир ёғиб турибди. Жийрон-тойини тўхтатиб, разм солсам, дарахт тагида бир чол туриб-ди. Бозордан харид қилган қўйининг арқонини ушлаб ол-ган. Чолнинг олдида ҳали у шўпир боради, икки оғиз га-лашади-да, бурилиб кетади. Ҳали бу шўпир боради, қўл силтаб нари кетади. Охири мен ҳам бордим.

Одатда, йўловчи "фалон

жойгача қанча сўрай-сиз", деб аниқлаштириб олади. Шўпир кира ҳақини ай-тади. Бир хиллари бор. Ота-сининг хунини сўрайди-да, "ками бор" деб ҳам қўяди. Бо-зордаги чайқовчи бўп кет-э, шоввоз!

Хулласи калом, яқин бориб салом бердим.

— Хизмат, отахон, қаерга обориб қўяй? — десам, чол негадир бош чайқади.

Оқсоқол «ГЕНЕРАЛ»

— Айтганим билан барибир обормайсан, шўпир болам, — деди.

— Хайрон бўлдим.

— Нега обормас эканман? — десам, қулди.

— Негалиги шуки, қўй харид қиламан, деб бир тийин пу-лум қолмади, — дейди.

— Бўпти, отахон, уйингизга борганда ҳисоб-китоб қилаве-рамиз, — деган эдим, бош чай-қади.

— Иложим йўқ. Уйдагилар-нинг бири ишга, бири ўқишга кетган. Кампиримда жемири йўқ... аммо уйим яқин. Рози бўлиб, текинга обориб қўйсанг, дуо қиламан, — деди.

Қараб турсам, чолнинг юзи-да нур бор. Ёлғондан ҳазар қилиши кўриниб турибди. "Са-



Оқсоқолнинг уйи чиндан ҳам узок эмас экан: нарисин билан тўрт чакиримча. Зум ўтмай манзилга етиб келдик. Чол бо-лаҳонали уйининг дарвозасида-ги кўнгиракчи босиши билан ичкаридан ярашқили кийинган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги йигит чикди. Аввал оқсоқол-га, кейин менга салом берди. Тавозе билан қўшқўллаб кўришди.

— Менга қара, датсент! — деди чол зарда билан. — Ана-ви қўйнинг оёғини ечгин-да, ҳовлидаги тутга арқонлаб қўй! Бўл тез!

Йигит "хўп бўлади, отахон", деб машина томон югурди. Икковлашиб қўйни туширдик. Йигит қўй етаклаб кетаётган эди, чол тагин ўша зардали оҳангда сўради:

— Аканг қани?

— Уйдалар, — деди йигит.

— Тез чиқсин баққа!

Йигит "хўп бўлади, отахон", деганча қўйни судрагудек бўлиб ҳовлига кириб кетди.

— Буниси — домла, — деди оқсоқол тушунтириб. — Инсти-тутда дарс беради.

Чол гапини тугатмасиданоқ ичкаридан милиция кийими-ни кийган подполковник чиқиб келди. У ҳам худди укасига ўхшаб салом берди. Иккала-сиз билан қўшқўллаб кўриш-ди.

— Энди бизга рухсат, ота-хон, — деган эдим, чол "шош-май тур" деб имо қилди-да, подполковникка буюрди:

— Қани, "қашланмайсанми", — аччайиб?

— Хўп бўлади, отахон, қанча керак? — деди подполковник

чўнтагидан ҳамён чиқариб.

— Йигирма минг!

— Ўғли минг сўмликлардан кераклигини санаб чолга узат-ган эди, оқсоқол жеркиб бер-ди:

— Менгамас, шўпир йигитга бер!

— Хўп бўлади, отахон! — под-полковник шундай деб, пулни менга қўзди.

Хайрон бўпқолдим.

— Отахон, — дедим тушун-

тириб. — Бошида келишган-миз: пул керакмас, дуо қил-сангиз бўлди.

— Дуо ҳам қиламан. — Чол-нинг чеҳраси ёришди. — Сен бунинг савлатига парво қилма, — деди ўғлини кўрсатиб. — Бу падпалковник бўлса, мен гене-ралман! Бу хонадоннинг лаш-карбосиши ман бўламан!

Подполковник пул узатган қўйи жилмайиб турар, мен бўлсам, кира ҳақини олишни ҳам, олмаслиқни ҳам билмай гарангсиз қолгандим.

— Олавер, акангнинг тавар-рук, — деди чол. Сўнг бир зум сукут сақлади-да, тушунтирди.

— Ҳали бозорда пулим йўқ, де-ганим беҳиж эмасди. Қани, қўрай-чи, одамларда инсоф, ҳиммат, бировнинг ҳожатини

чиқариш деган нарсалар бор-ми, бор бўлса қимда, шуни билмоқчи эдим. Отангга раҳ-мат, шўпир болам! Сендақ-лар борлигига шукр!

— Барибир бу пул — кўп, — дедим ростини айтиб.

— Ишинг бўлмасин, — дея чол силтаб ташлади. — Кам десанг, аканг яна қўшади.

Подполковник бирпас тур-са, кира ҳақи "болалаб" кети-шини билди шекилли, пулни чўнтагимга суқиб қўйди.

— Мана энди дуо қиламан! — деди чол қўл очиб. — Топган-тутганингга барака берсин! Уловингнинг тагидан доим ша-мол ўтиб турсин, шўпир болам! Ҳар хил балолардан Ўзи асра-син. Сен ҳам менга ўхшаб, ма-нави акангга ўхшаб, пири ба-давлат бўлиб юргин!

Машина томон юрган эдим, чол ўғлига тайинлади: — Менга қара, начайник! Шу машинани номирини ёзиб ол! Йигитларингга айт: ҳеч ким ҳеч қаерда тўхтатмасин, уқдингми?

— Хўп бўлади, отахон! — деди подполковник.

...Чолнинг ўғли чиндан ҳам ДАН соҳасида ишлайдими-йўқми, унисини билмадим, ўшандан бери машинани би-рон жойда тўхтатишгани йўқ. Ҳатто бир-икки марта кўча че-тида турган инспектор йигит-лар менга ҳест берганини ҳам кўрдим!

Ўткир ҲОШИМОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилми: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли қўчаси, 90. Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар қўчаси, 32.	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари: Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10 Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz /// th-pt@inbox.ru	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терийли ва Тоҳир Маҳмуджон томонидан саҳифаланди.	Набатчи муҳаррир Қўмуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввиф Аллома АЗИЗОВА Набатчи Баҳодир БАҲРОМОВ
---	--	--	---	---	--	--